



Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик даврида таълим ислохотлариға хос қарашлар.

Эргашева Муҳайёхон Ғанижоновна

Андижон давлат педагогика институти эркин тадқиқотчиси

Аннотация

Тарихий маълумотларни асл моҳиятини ўрганиш ва улар орқали муайян бир соҳанинг тараққиёти, тарихий даврлардаги миллий муносабатларини таҳлил этиш муҳим масала ҳисобланади. Шу асосга кўра қўйида айнан таълим тарихининг маданий соҳанинг барча тармоқлари учун асос канлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар

Маориф, қонун, қорор, халқ таълими тизими, эски макаблар, янги усул мактаблари, саводсизлик курслари, миллий таълим тизими.

Замонавий муносабатлар, тарих тараққиётининг асл маҳсули сифатида яққол кўзга ташланучи давомли ҳақиқат ҳисобланади. Инсоният ўзига тегишли барча ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий ва албатта сиёсий-хуқуқий масалаларда ўзидан аввал яшаб ўтган авлодларнинг илмий қарашлари ёхуд кўunikma малакаларини қайта ташкил этиш, давом эттириш ҳақида билимларини бойитиб боради. Баъзан жамиятнинг барча қатламини бирдек ривожланиш тартибини яратиш мушкул масала ҳисобланади. Инсоният жамиятнинг бир аъзоси сифатида ўзи яшаётган жамиятнинг қадрятлари ва миллий қарашларини ўзига сингдириб боради. Бу қарашларнинг тубдан ислохотлар асосида ўзгариши эса ўзининг акс таъсири сезилади. Айни маданий ҳаётнинг асосий бўғини ҳисобланган маъориф соҳаси ҳам мустамлакачилик даврининг илк давларидан тубдан ўзгаришларга йўналтирилиб, доимий ўрганишлар қамровида бўлган деб айта оламиз. Ўзбекистонда маориф қурилиши масаласига бағишланган дастлабки назарий қарашлар ўша давридаги А.Икромов, Ф.Хўжаев, Й. Охунбобоев, И. Зеленский каби давлат ва жамоат арбобларининг даврий матбуот



саҳифаларида эълон қилинган мақолалари¹ ҳисобланади. Бу мақолаларда Ўзбекистондаги совет тузумининг моҳияти, совет давлатининг таълим соҳасида амалга ошираётган сиёсати мазмуни каби назарий жиҳатлар баён этилган.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, бир қатор миллий республиклар, шу жумладан Ўзбекистон ССР ташкил топганидан кейин республикдаги миллий зиёлилар икки гуруҳга бўлиниб қолди. Биринчи гурухга мансуб зиёлилар аввалги миллий маориф тарафдори бўлиб, улар янги совет таълим тизимиға мойил эмас эдилар. Иккинчи гуруҳ зиёлилари эса совет тузуми ва у амалга ошираётган маориф соҳасидаги ислоҳотларга тарафдор бўлиб майдонга чиқдилар ва уни қўллаб-куватладилар. Бу гуруҳдаги зиёлилар қаторида Ҳамза Ҳакимзода, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Шокир Рахимий, Садриддин Айний кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкинки, улар томонидан ўша йилларда эълон қилинган ишларда совет маорифининг ижобий жиҳатлари таҳлил этилади².

XX асрнинг 30–40-йилларидан эътиборан, Ўзбекистондаги маориф ва маданий курилиш масалалари тарихшунослик жиҳатидан ҳам таҳлил этилиб, бу мавзу бўйича бир қатор китоб ва тўпламлар нашр этилди³. Ушбу асарларда Ўзбекистондаги “соалистик маданият” курилиши ва унинг республикадаги ўзига хос жиҳатлари ўн йилликлар мисолида тарихшунослик нуқтаи назаридан баён этилган. Уларда маданий қурлишнинг таркибий қисми бўлган ҳалқ таълими тизими масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРда 1920-1940 йилларда мактаблар ва саводсизликни тугатиш курсларининг ташкил этилиши ва уларга болалар билан бир қаторда катта ёшдагиларни ҳам қамраб олиниш масалари қатор

¹ Икрамов А. О задачах культурной революции. “Правда Востока”, 1925 года 12 май.; Ходжаев Ф. 10 лет борьбы и строительства. – Самарканд, 1928.; Ахунбаев Й. Культурные достижения Узбекистана // Революция и национальность. 1932. №1.; Зеленский И.А. В борьбе за культуру // За партию. 1928. №3.

² [Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 5 жилдик. 2-жилд: Шеърлар, педагогик рисолалар, насрый асарлар. – Тошкент: Фан, 1988.](#); Чўлпон А. Булоклар. – Тошкент, 1992.; Фитрат А. Темур саганаси. – Тошкент, 1922. Рахимий Ш. Просвещение узбеков // Наука и просвещение. 1922. №2. Унинг ўзи. Состояние узбекского просвещения в прошлом и тепреъ. – Ташкент: Госиздат, 1928.; Айний С. Материалы по истории Бухарской революции. – Москва: Госиздат, 1926.

³ Жургенов Т. Строительство социализма и культурная революция в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат, 1932; Штерн И. Социалистическая культура узбекского народа. – Ташкент: Госиздат, 1938; Народное образование в Узбекистане. – Ташкент: Объединенное изд. «Правда Востока» и «Кзыл Узбекистан», 1947.; Народное образование в Узбекской ССР за 25 лет (1924-1949). – Ташкент: Государственное издательство УзССР, 1949.; Народное образование Узбекской ССР за 30 лет (1924-1954). – Ташкент: Учпедгиз, 1954. – 144 с.; Қори Ниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Уздавнашр, 1957; Раджабов С. Из истории строительства советской школы в Узбекистане. – Ташкент: Учпедгиз, 1957.



мисоллар билан очиб кўрсатилган. Келтирилган фактлар ва рақамлар Ўзбекистонда совет мактаблари сони ва мактаб таълимига жалб этилган ўқувчилар миқдори йил сайин кўпайиб борганини кўрсатади. Бу асарларда эътибор берилагн яна бир мавзу бу хотин-қизлар масаласидир. Чунки, совет ҳокимиятининг биринчи йиллариданоқ хотин-қизлар масаласи ва уларни саводли қилиш, сиёсий-маданий жараёнларга сафарбар қилиш совет тузумининг асосий фаолият йўналишларидан бири саналган.

1960-1970 йилларда бутун Совет иттифоқи миқёсида, шунингдек, Ўзбекистонда маориф, маданият қурилиши ва ривожланиши масалаларига бағишлиланган бир қатор илмий асарлар юзага келди⁴. Бу асарлар манбавий жиҳатдан жуда кенг асосга эга бўлиб, уларда бутун мамлакатдаги маданий қурилиш, саводсизликни тугатиш масалалари назарий жиҳатдан асосланган. Уларда миллий республиклардаги, яъни Ўзбекистондаги мактаб тизими ва хотин-қизларнинг мактаб-маориф ривожидаги иштироки масалаларига ҳам кенг эътибор берилган.

Ўрта Осиё ва Қозогистондаги аёлларнинг сиёсий-маданий фаолияти масалаларига оид қимматли материаллар “Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана (1917-1936 гг.)” номли илмий мақолалар тўпламидан ўрин олган⁵. Тўпламга киритилган мақолаларда Ўзбекистон хотин-қизларининг паранжи ташлаб “озодликка” чиқиши, уларнинг совет давлати маориф тизимидағи ва бошқа идораларидағи фаолиятига доир маълумотлар жамланган.

Ўзбекистондаги хотин-қизларнинг “социалистик қурилиш”даги иштироки, яъни уларнинг мактабларга, педагогика билим юртларига тортилиши, турли партия-совет идораларидағи ишларга жалб этилиши масаласи, партия-совет ташкилотларнинг республка хотин-қизлари ўртасида амалга оширган кенг қамровли

⁴ Куманев В.А. Ленинский комсомол в борьбе за всеобщую грамотность в СССР. – Москва, 1960. – 64 с.; А.В. Луначарский о народном образовании. – Москва: Изд. Академии пед. наук РСФСР, 1961. – 380 с.; Королёв Ф.Ф., Корнейчик Т.Д., Равкин З.И. Очерки по истории Советской школы и педагогики 1921-1931. – Москва: Изд. Академии пед. наук РСФСР, 1961. – 512 с.; Ремизова Т.А. Культурно-просветительная работа в РСФСР (1921-1925 гг.) – Москва: Изд. АН СССР, 1962. – 260 с.; Иноятов Н.Ш. Борьба Коммунистической партии за подготовку и воспитание учительских кадров в Узбекистане (1921-1925 гг.). – Ташкент: Наука, 1965. – 134 с.; Голант Е.Я. 50 лет Советской школы. – Ленинград, 1967. – 52 с.; Куманев В.А. Социализм и всенародная грамотность. Ликвидация массовой неграмотности в СССР. – Москва: Наука, 1967. – 328 с.; Кабанов П.И. История культурной революции в СССР (Краткий очерк). – Москва: Высшая школа, 1971. – 294 с.; Исаев Х. Из истории организационно-массовой работы на селе в Узбекистане (1925-1932 гг.). – Ташкент: Фан, 1975. – 120 с.

⁵ Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана (1917-1936 гг.). – Москва: Просвещение, 1974.



тадбирлари Х.С. Шукурова, М. Гаффорова, Р.А. Набиева, Р.Х. Аминова ва бошқаларнинг асарларида⁶ ҳар томонлама ва чукур ўрганилган.

1971 йилда нашр этилган “Ўзбекистон ССР тарихи”нинг 3-томида Туркистон ўлкасида большевиклар ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги даврда социалистик маданият қурилиши масаласи, аввало ҳалқ маорифини йўлга қўйиш, мактаблар тармоғини барпо қилиш ва уларнинг моддий таъминотини таъминлаш масалалари анча кенг ва атрофлича ёритилган⁷. Ушбу асарда Ўзбекистондаги саводсизликни тугатиш тадбирлари, аёлларни саводсизликни тугатиш мактабларига жалб қилиш жараёнларига ҳам катта эътибор берилган.

Ўзбекистондаги ҳалқ таълими тизими тарихини ўрганишда тарихчи олимлар Э.Қ. Қодиров, Н. Раҳмонов, Ф. Шариповлар жуда катта хисса қўшдилар. Уларнинг асарларида Ўзбекистонда 1920-1930 йилларда янги типдаги совет мактабарининг ташкил топиши ва ривожланиш жараёнлари тарихи катта ва кенг турдаги манбалар базасига асосланган ҳолда таҳлил этилган⁸.

Умуман, совет ҳокимияти йилларида бутун совет давлатида ва шу жумладан Ўзбекистонда ҳалқ таълимининг ривожланиши ва унда хотин-қизларнинг иштироки масаласи маълум даражада ўрганилган жуда кўплаб илмий адабиётлар яратилди. Бу илмий адабиётларнинг зига хос хусусияти шундаки, уларда бутун жараёнлар совет мафкураси бўйича таҳлил этилди. Таълим соҳасида миллий хусусиятларнинг бекор қилиниши, аксарият совет тартиб-қоидаларининг миллий республикаларда мажбуран жорий этилишига фақат ижобий жараёнлар сифатида баҳо берилди.

⁶ Шукурова Х.С. Коммунистическая партия Узбекистана в борьбе за раскрепощение женщин. – Ташкент, 1961; Гаффарова М. Социализм и женщина Узбекистана. – Ташкент, 1970; Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. – Ташкент, 1975.

⁷ Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ғалабаси ва Ўзбекистонда социализм қуриш (1917-1937 йиллар). – Тошкент: Фан, 1971.

⁸ Кадыров И.К. Очерки развития общеобразовательной школы Советского Узбекистана. – Ташкент, 1974; Раҳманов Н. Развитие педагогического образования в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1976; Шарипов Ш. Народное образование в Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 1977.